переплёт 1-52 кет 4 2009 I-ой подшивка

Mahalla

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

1 (655) WWW.MAHALLA.UZ | 2009 ЙИЛ 7 ЯНВАРЬ. ЧОРШАНБА | 1996 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ, «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА НАШРИ ISSN 2010-7013 mahalla.gz@rambler.ru

НОЁБ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМА

Давлат органлари бажарадиган айрим вазифаларнинг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилиши, улар ишида самара бўлмайди, деган тахминларнинг нотўғрилигини амалда кўрсатди. Кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлмиш маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади.

Маълумотларга қараганда, 2005 йилда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони уч мингдан ошган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг миқдори беш мингдан зиёд. Улар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз фаолиятларини амалга ошириб, аҳолининг ҳар хил тоифалари билан яқиндан иш олиб бормоқдалар. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ҳудудида катта ишларни бажариб келаяпти.

Шу ўринда ишонч билан айтиш мумкинки, одамларга яқин бўлган, уларнинг иссиқ-совуғидан, яхшиёмон кунидан маҳалла институтидан кўра яқинроқ хабардор бўла оладиган ташкилот ёки идора мавжуд эмас. Чунки бошқа кўплаб нодавлат ташкилотлари ўз фаолият йўналишлари хусусиятидан келиб чиқиб, муайян тоифа аҳоли манфаатларини ифода этса, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг бу борадаги фаолияти кенг қамровлидир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари, асосан, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифалари, кўп болали оилалар, парваришга муҳтож қариялар, ногиронларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, кам даромадли оилалар, беморлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, етим ва қаровсиз болалар ҳатто тенг имкониятлар шароитида ҳам ёрдамга муҳтож бўлади. Бундан ташқари, Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек, **"... маҳалла ким қандай шароитда яшаяпти, ким ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтожлигини яхши билади. Маҳалла орқали ёрдам кўрсатишда адолат тамойили бузилмайди".** Бу эса ижтимоий ҳимоя соҳасидаги давлат вазифаларини мувафаққиятли амалга ошиш имкониятини беради.

(Давоми 2-саҳифада)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2009 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. 2009 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар, шунингдек истисно тариқасида, 2008 йилнинг куз мавсумида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 6 январь

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАҲСУЛОТИ

Шўртан газ-кимё мажмуасининг маҳсулотлари юқори сифатга эга эканлиги кўплаб халқаро ташкилот ва нуфузли уюшмалар томонидан бир неча бор эътироф этилган. Ҳалол ва фидокорона меҳнатга берилаётган бу муносиб баҳо жамоани ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилашга, жаҳон бозорида ўзига мос ўрин эгаллашга ундамоқда.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган республика кўрик-танловида ҳам корхона 2008 йил ғолиби деб топилди.

— Мажмуамизга мазкур танлов якунига кўра топширилган махсус диплом ва мукофот биз учун жуда қадрли ҳамда алоҳида ўрни бор, — дейди Шўртан газ-кимё мажмуаси сифат менежменти тизими гуруҳ раҳбари Ботир Маллаев. — Негаки корхонамизда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар расман «Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулотлари» дея аталади. Бу барча жамоа учун ҳеч муболағасиз катта шарафдир.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигидан бизга хабар беришларича, энди мажмуа ўз маҳсулотлари — суюлтирилган ва товар газ, газ конденсати, техник олтингугурт, полиэтилен гранулалари ҳамда тайёр полиэтилен маҳсулотларига «Ўзбекистонинг энг яхши маҳсулоти» белгисини қўйиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Курбон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Фарғона вилояти

Ёшлар камолоти йўлида

1 МИЛЛИАРД 710 МИЛЛИОН СЎМ

эвазига капитал таъмирдан чиқарилган касб-ҳунар коллежида ўқувчилар учун барча қулайликлар мавжуд

Ногиронларга кўмак бериш, уларни қўллаб-қувватлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Айниқса, бугунги кунда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Фарғона шаҳридаги Ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежида ҳам мазкур йўналишда муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Айни кунда ушбу ўқув муассасасида 420 нафар жисмоний имконияти чекланган ўқувчи тиқувчилик, радиотелевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сингари олти йўналишда таҳсил олмоқда. Уларнинг билим олиб, малакали кадрлар бўлиб етишиши учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган.

— Ёшлар йили ўқувчиларимиз ҳаётида унутилмас йил бўлиб қоляпти, — дейди коллеж директори Орифжон Сотволдиев. — Жорий йилда коллежимиз 1 миллиард 710 миллион сўм эвазига капитал таъмирдан чиқарилди. Янги спорт зали барпо этилди. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ўқув жиҳозлари бугун ўқувчилар ихтиёрида.

Коллежда ўқувчиларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтяпти. Улар дарсдан бўш вақтларида ўндан ортиқ тўгарак машғулотларида қатнашиб, билимларини мустаҳкамлашмоқда, касб-ҳунар сирларидан воқиф бўлишмоқда. Мунтазам ўтказиб келинаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўқувчи ёшларнинг қобилиятини кашф этишга хизмат қилмоқда.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Еримизнинг унумдорлигини кўринг, бир йилда уч марталаб ҳосил олса бўлади.

Фармон ва ижро

АРМИЯ — ҲАЁТ МАКТАБИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 2[illegible] ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини янада кучайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

— Мардлик ва матонат синови, ўзига хос ҳаёт мактабига айланган миллий армиямизда хизмат қилишни ҳар бир йигит шараф деб билади, — дейди Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақириққача ёшларни хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Шаҳобиддин Хўжаев. – Қуролли Кучлар олдига қўйилган вазифалар нечоғли муваффақиятли бажарилиши чақирилувчиларнинг соғломлиги, жисмоний чиниққанлиги ва маънавий салоҳиятига боғлиқ. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни саралаш жараёнида тиббий кўрикка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чақирув пунктларида яратилаётган қулайликлар, шарт-шароит, тартиб-интизом кишининг ҳавасини келтиради. Вилоятдаги барча шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимларининг чақирув пунктлари Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармони талабларига мувофиқ жиҳозланмоқда. Биноларни мукаммал таъмирлаш, иситиш тизимини созлаш ишлари якунланди. Ободонлаштириш-кўкламзорлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари мамлакатимизда ҳарбий тизимни такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, яратилаётган имтиёзлар хусусида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик яхши самара бераётир.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ЯНГИ ЭРТАК

Тошкент Давлат циркида Янги йил байрами муносабати билан болаларга аталган янги театрлаштирилган мусиқий томоша давом этмоқда.

«Насриддин Афандининг янги эртаклари» деб номланган томоша болаларнинг қишки таътил кунлари мароқли ўтишига хизмат қилмоқда. Цирк дастурлари билан театрлаштирилган саҳна кўринишларининг ўзаро уйғунлиги кўпчиликда катта қизиқиш ўйғотаётир.

— Топқир, зийрак ва шўхшодон Насриддин Афанди Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари билан бирга болаларни эртакларнинг сеҳрли ва мафтункор оламига ошно этади, — дейди Тошкент Давлат цирки бош директорининг ўринбосари Анжела Халилова. — Қувноқ эртак замирида аҳиллик, иноқлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ҳукм сурган жойда эзгуликнинг ҳамиша ёвузликдан устун келиши билан боғлиқ олийжаноб ғоя ифода этилгани ёш томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Байрам томошасида цирк санъатининг барча жанрларига кенг ўрин берилган. Гимнастлар, акробатлар, масхарабозларнинг чиқишлари, ўргатилган жониворлар иштирокидаги томошалар эртакка янада кўтаринкилик бағишлаган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ОДАМ САВДОСИ — ЖИДДИЙ МУАММО

Одам савдоси дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиддий муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда бу иллатнинг олдини олиш, юртдошларимизнинг фирибгарлик тузоғига илиниб қолишларига йўл қўймаслик, одам савдоси туфайли жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Банк коллежида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу масалалар хусусида сўз юритилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, коллеж ўқитувчи ва талабалари иштирок этган тадбирда мазкур иллатга қарши курашишда мутасадди идоралар ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш зарурлиги қайд этилди.

2008 йилнинг апрель ойида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, июль ойида эса Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингани бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

– Айни пайтда мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Тўрткўл тумани прокурорининг ўринбосари Зийнат Расбергенов. – Ўтган йилнинг 11 ойида аниқланган одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан тўққиз нафар шахс тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Тадбирда одам савдоси билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун профилактика чораларини янада кучайтириш, ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш, меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Самарқанд вилояти

"БОҒИ БАЛАНД"НИНГ АНЪАНАЛАРИ КЎП

— Самарқанд шаҳридаги Регистон билан ёнма-ён жойлашган "Боғи баланд" маҳалласининг тарихи минг-минг йилларга тақалади, — дейди, маҳалла оқсоқоли Қаҳрамон ота Собиров.

— Маҳалламиз бетакрор удумлари, шарқона урф-одатлари, миллий анъаналари билан ўтмиш ва бугунни уйғунлаштириб туради. Регистон, Сўзангарон, Даҳбед, Умар Ҳайём номи билан аталадиган кўчаларнинг ҳар бирида аждодларимиздан қолган табаррук излар бор. Буюк ёзувчи Садриддин Айний қолдирган маънавий мерос, адиб уй-музейининг ўзи бир дорилфунун.

— Боғи баланд деган номнинг эъзоз топишида шу ерда туғилиб, камолга етган, элга танилган кишиларнинг эзгу ишлари эътирофга лойиқ, — дейди маҳалла фаолларидан бири Эркин Қутбиддинов. — Маҳалламиз ободонлигини ўйлайдиган, фидоий инсонлар кўплигидан фахрланамиз. Тиббиёт ходими, профессор Бекир Хамзаалиев, ҳарбий врач, полковник Муҳаммаджон Ҳусенов, устоз мураббий Александра Буркунова сингари ўнлаб шаҳримизга танилган кишилар борки, уларнинг ҳаёт йўллари ёшларимиз учун ибрат мактабидир.

(Давоми 2-саҳифада)

ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЛОНДОНДАГИ КОНЦЕРТИ

Янги йил тантаналари давом этаётган шу кунларда Лондон шаҳри марказидаги Қироллик мусиқа академиясида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ёш мусиқачиларининг «Equipes de Sogdiana — 2» («Суғдиёна гуруҳлари – 2») деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган ушбу тадбирда Британиянинг расмий, маданий жамоатчилик ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди. Буюк Британия маданий доираларидаги таниқли санъат арбоби Накако Ватанабе хоним концертнинг ижрочи продюсери бўлди.

Ўзбекистондан мазкур дастурда уч нафар пианиночи – ака-ука Нурон ва Науфал Муқумий ҳамда Нафис Умарқулова иштирок этишди. Концертга ташриф буюрган томошабинлар бир овоздан юртдошларимизнинг истеъдоди ва ижро маҳорати қатнашчилар орасида алоҳида ажралиб турганини эътироф этишди. Ўзбекистонлик мусиқачилар томонидан Иоганн Себастьян Бах (Токката), Ференц Лист («Хоровод гномов» концертидан этюд), Александр Скрябин (Соната-фантазия №2), Клод Дебюсси («Гренадада оқшом» ва «Ёмғир остидаги боғлар») каби буюк композиторларнинг асарларини маромига етказиб ижро этилди.

Ёш пианиночиларимиз Тошкентдаги Успенский номли Республика ихтисослаштирилган мусиқий академик лицейи битирувчилари бўлиб, ҳозирги кунда Қироллик мусиқа академияси ҳамда Британиядаги етакчи халқаро мусиқа мактабларидан бири бўлган «Purcell Scholl of Music»да таҳсил олишмоқда. Улар Европанинг қатор давлатлари, АҚШ ва Россиядаги турли мусиқа анжуманларида муваффақиятли иштирок этишган.

Концертдан сўнг ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Накако Ватанабе хоним мазкур тадбирнинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад Марказий Осиё давлатларидаги ёш авлод вакилларининг имконият ва истиқболларини британиялик мусиқа ихлосмандларига намойиш этишдан иборат бўлганини таъкидлади.

— Мусиқа чегара билмайди, у халқлар ўртасидаги мулоқот воситасидир. Шу боис ҳам мана шу каби тадбирларни ташкил этиш айниқса муҳим аҳамиятга эга, — деди Ватанабе хоним. — Ўзбекистонлик ёш мусиқачилар бугун ўзларининг нақадар юксак маҳорат эгалари эканини намойиш этишди. Уларнинг келажаги порлоқ эканига ишончим комил.

Лондондаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабининг профессори Ширин Акинер хонимнинг сўзларига кўра, унга Нурон Муқумийнинг ижроси маъқул келди.

— Нурон эндигина 12 ёшда бўлишига қарамай, Бахнинг мураккаб мусиқий асарларини моҳирона ижро этгани мени ҳайратга солди, — дейди Ш.Акинер хоним. — Ўзбекистон ҳукумати ёш авлод вакиллари мусиқа ва санъатнинг кўплаб турларида ўз қобилиятини намоён этишини қўллаб-қувватлаб келаётгани таҳсинга сазовор. Ёш авлодга бўлган эътибор мамлакат келажагига йўналтирилган бебаҳо сармоя бўлиб, айнан мана шу эътибор ўз санъати билан келажакда бутун дунёни ҳайратга соладиган Нурон Муқимий каби ёркин истеъдодли мусиқачилар авлодининг юзага келишига хизмат қилади.

Концерт ижрочиларидан бири — «Purcell Scholl of Music» мусиқа мактаби ўқувчиси Науфал Муқимий Ўзбекистон санъатини Британия ва Европанинг бошқа давлатларида намойиш этиш ўзи учун улкан шараф эканини таъкидлади.

— Британияда таҳсил имкониятини бергани учун Ватаним олдида таъзим қиламан, — деди Н.Муқимий. —Ўзимга билдирган ишончни оқлашга ва мусиқа соҳасининг юксак чўққиларини забт этишга астойдил ҳаракат қиламан.

«Жаҳон» АА,
Лондон

Мурожаат учун телефонлар: 236-53-93, 236-53-75

НОЁБ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Давлат органлари бажарадиган айрим вазифаларнинг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилиши, улар ишида самара бўлмайди, деган тамойилларнинг нотўғрилигини амалда кўрсатди. Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлмиш маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади. Бу авваломбор, зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида аниқ йўналтириш – аҳолининг ҳақиқатдан ҳам ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларни ўтиш даври қийинчиликларидан ишончли ҳимоя қилиш имконини берди. Шу тариқа биз юртимиздага ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмасдан, айни пайтда ислоҳотлар ва мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланишига ҳам эришдик.

Маҳалла минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий тажрибасини, этномаданий анъаналари, турмуш тарзи ва оилавий муносабатларини ўзида мужассам этган миллий демократик институтдир. Маҳалла негизида ўзбек халқига мос бўлган бағрикенглик, муроса қилиб яшаш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш тарихий-маданий қадриятларга риоя этиш, аҳлоқий нормаларни сақлаш ва уни келгуси авлодларга етказиш каби умуминсоний тамойиллар ётади.

Маҳалла бўлиб яшаш тарзи "Авесто"да ва кейинги ёзма манбалар, халқ достонлари ва бадиий асарларда ҳам учрайди. Мавжуд адабиётларда маҳалла институтларининг хусусиятлари, функциялари, белгилари, ҳамият ҳаёти билан алоқалари ҳамда ўзбек халқига хос жиҳатлар борлиги кўрсатилади.

Аввало, маҳаллада жамоавийлик, яъни биргаликда яшаш, тўйни ҳам, азани ҳам бирга ўтказиш, ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш анъанаси мавжуд. Ушбу коммунитар анъаналар маҳаллани ўзига хос миллий-ижтимоий институтга айлантирган.

Қолаверса, маҳалла ўзини-ўзи бошқариш марказидир. Унда маҳалла оқсоқолини сайлаш, тўй ва маракаларни уюштирувчи комиссия аъзоларини белгилаш, ҳар бир оилани аҳволидан хабардор бўлиб, унга моддий ёрдам кўрсатиш, турли баҳслар, жанжалларни ҳал этиш каби бир неча функциялар мавжуд. Ҳар бир маҳалла ўзининг эҳтиёжлари ва сувдан фойдаланиши, ён атрофини гўзаллаштиришга интилиши, зарарли чиқиндиларни ён атрофга тарқалиб, умумий саломатликка хавф уйғотмаслиги маҳалла ва маҳалла фуқароларининг фидоийлигига боғлиқлигини ҳам унутмаслик лозим.

Маҳалла ижтимоий тарбия мактаби сифатида кишиларда аҳил бўлиб яшашни, бир-бирини ҳурмат қилишни, бир-бирига ака-ука, опасингил, яқин киши сифатида қарашни шакллантиради. Маҳалланинг мактаблар, рига қараб комиссиялар тузади. Лекин унда, фуқаролар йиғини оқсоқоли (раиси)нинг диний маърифат ва маънавият ишлари бўйича маслаҳатчи ва ёрдамчиси бўлиши шарт. Қолган барча комиссиялар ўзини-ўзи бошқариш принципига мувофиқ ихтиёрий тарзда ташкил этилади.

Маҳалла ижтимоий институт сифатида оилавий муносабатларни мустаҳкамлашни ўзининг вазифаларидан бири деб билади. Оила муқаддас даргоҳ. Айниқса, оилада фарзанд дунёга келган бўлса, эр-хотиннинг ажралиши ёшлар маънавияти ва тақдирига салбий таъсир кўрсатади. Махсус тадқиқотлардан маълумки, маънавий муносабатлари кескин оилада ўсган болада аёлга ёки эркакка нисбатан салбий тушунчалар шаклланади ва у кейинги ҳаётда ўз ифодасини топади. Демак оиладаги салбий муносабатлар, "сенменлар" ва ажралишлар беиз кетмайди, улар болаларнинг нозик қалбида ва онггида бир умрга сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам маҳаллаг оилавий муносабатларни мустаҳкамлашни ўзининг энг муҳим функцияси деб билади.

Маҳалла этномаданий анъаналар ва урф-одатларни, маданий меросни асраш, уларни келгуси авлодларга етказиш, шу асосда халқ маданиятини бойитишга хизмат қилади. Маҳалла, айниқса, халқ ҳунармандчилигини қўллаб-қувватлайди. Шу тарзда у халқ маданиятининг юксалишига ҳисса қўшади. Шунингдек, диний урф-одатларни реал ҳаётга яқинлаштиришда маҳалланинг таъсири катта. Инсон саломатлиги, унинг тоза ҳаводан боғчалар, ўқув юртлари, маърифат ўчоқлари билан алоқалари унинг ижтимоий тарбиявий аҳамиятини оширади.

Маҳалла миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради. Бугун маҳаллалар кўп миллатлидир. Асрлар давомида шаклланган этнослараро дўстликни мустаҳкамлаш уларнинг вазифаси бўлиб қолади.

Ўзини-ўзи бошқаришга қурилгани, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқол) ва унинг ёрдамчилари очиқ ёки ёпиқ сайлангани, уларнинг халқ олдида ҳисобот бериши, истаган кишининг маҳалла ҳаётида қатнашиши, у ёки бу таклифни киритиб, маҳаллий ҳокимият диққатини жалб этиши, фуқароларнинг ихтиёрий уюшмаларини, комиссияларини тузиб фаоллик кўрсатиши маҳаллани демократик институтга айлантиради.

Хуллас, бугун маҳалла миллий демократик институт сифатида фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ривожлантиришнинг энг илғор усулларини қўллаб, уларнинг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш йўлларини қидириш мақсадга мувофиқ. Бу борада фуқаролар йиғинларининг турли фаолият йўналишларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб бориш эса айни муддао ҳисобланади.

Тангрикул ҲАМРОЕВ,
Тарих фанлари номзоди, доцент.
Ш.ГАЗИЕВ.

"БОҒИ БАЛАНД"НИНГ АНАНАЛАРИ КЎП

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Боғи баландда ўрнак олса арзийдиган анъаналар кўп. Шулардан бири «Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар куни савоб иш қилсин», деган ўгитнинг амалга тадбиқ этилаётганидир. Бу ерда тўртта ресторан, ўнлаб савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳақиқий тадбиркорлар қўлида. Улар ҳамиша маҳалласи ободлиги хусусида қайғуришади. Аҳолига, ёшларга қулайликлар яратиш учун доим жон куйдиришади.

Жумладан, «Ювентус Голд» савдо корхонаси раҳбари Облоқул Файзуллаев — спорт ишқибози. Қўли очиқ тадбиркор маҳалла ёшларнинг ғамхўр мураббийига айланиб қолган. У маҳаллада мини футбол майдончасини барпо этди. Яшил майдон тез орада ёшларнинг севимли машғулотгоҳига айланади. Бу ерда ёшлар футбол, қўл тўпи, волейбол ва теннис сир-асрорларини ўрганмоқда. Бундан ташқари, янги иккита ёпиқ зал ҳам спортсевар ихтиёрида. Ўйингоҳ ва ёпиқ залларнинг ҳар йилги тамирланиши, жиҳозланиши, машғулотлар узлуксизлигини таъминлаш ҳомий — Облоқул аканинг зиммасида.

Ғамхўрлик қилинса, шароит яратилса фарзандларимиз спортда яхши натижаларга, албатта, эришади. Жорий йилда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд бўлими томонидан маҳаллалар ўртасида ўтказилган «Регистон-С» турнирида "Боғи баланд" маҳалласи болаларининг омади чопди. Улар 1995-1996 йилда туғилган ўсмир болалар ўртасида ўтказилган футбол мусобақаларида биринчиликни эгаллади.

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан «Фарзандлари соғлом юрт-қудратли бўлур» шиори остида ўтказилган анъанавий «Футболимиз келажаги» республика турнирида ҳам "Боғи баланд"лик ёш футболчиларнинг қўли баланд келди. Улар фахрли 1-ўринни эгаллаб, 1-даражали диплом соҳиби бўлишди.

Ғалабадан руҳланган маҳалла ёшлари ўз ҳомийси — Облоқул Файзуллаевга чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Шу кунларда маҳалла аҳли марҳум спортчилар — Ражаб Файзуллаев, Абдуманнон Розиқов, Самариддин Розиқов, Ғанижон Тожиевлар хотирасига бағишлаб ўтказиладиган спорт мусобақаларини анъанавий йўлга қўйишга астойдил киришган.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ЁШ ОИЛАЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

Андижон шаҳрида жойлашган Бобур шоҳкўчасида 3 та кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. 96 та ёш оилаларга тантанали равишда уйларнинг калити берилди. Янги хонадон соҳиблари, уларнинг ота-оналари бу унутилмас, қувончли янги йил совғаси учун самимий миннатдорчилик билдиришди.



СУРАТЛАРДА: *Андижонлик ёш оилалардан бири Ҳусанбой Ҳакимов рафиқаси ва фарзанди билан янги хонадонда; Бобур шоҳкўчасида «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида барпо этилган кўп қаватли турар-жой бинолари.*
Шуҳрат Олимов *(ЎзА)* **олган суратлар.**

Хотирага муҳрланган йил

Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилингани бутун жамоатчилик, айниқса, ёшларимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Мазкур йилда бажарилган ишларнинг салмоғи кутилганидан ҳам самарали бўлди. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ёшлар йили» дастурининг бажарилиши бутун мамлакатимизни қамраб олган том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди.

Ҳақиқатдан ҳам, якунланган Ёшлар йилининг ҳар бир куни, ҳар бир қадами залворли кечди, катта салмоқ ва салобат касб этди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури элимиз, давлатимиз қудрати, салоҳияти кўзгуси бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Келинг, биргина Қашқадарё вилоятида бу барада амалга оширилган ишлар, тадбирларнинг айримларига назар ташлайлик.

4747 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган янги мактаб қурилди. 47 та мактабда капитал реконструкция ишлари амалга оширилди, 75 та мактаб мукаммал таъмирланди. Бу қурилиш-таъмирлаш ишларига 32 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 203 та мактаб 7198,9 миллион сўмлик мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланди.

12570 нафар ўринга эга 17 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Улар 18 миллион нусхадаги дарслик, ўқув қўлланмалари, ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг мумтоз асарлари билан таъминланди.

Ҳар бир тумандаги 6 та қишлоқ мактабларида ахборот-ресурс марказлари ва таянч мактаблари ташкил этилди.

Ғузор, Қамаши, Чироқчи, Касби, Қарши туманларида «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» ҳамда «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуларида ёшлар форумлари ўтказилди.

Ёшларни касбга йўналтириш ишларини тубдан яхшилаш ва таълим муассасалари ҳамда корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича касб-ҳунар коллежлари 435 та корхона ва васий ташкилотлар билан шартномалар имзолади.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда битирувчилар учун компьютер-ахборот банки яратилди. Қишлоқларда яшовчи коллежларни тугатган 396 нафар ёшларни хизматга ва сервис соҳаларида шахсий бизнесларини ташкил этиш мақсадида кредитлар берилди. Корхона ва ташкилотларнинг буюртмасига асосан бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказлари томонидан мингга яқин ёшлар касбга йўналтирилди.

Кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойларида ёшлар учун реконструкция қилиш, молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ҳамда янги объектларни ишга тушириш ҳисобидан 49700 та янги иш ўринлари яратилди.

Қуролли кучлар сафидан бўшаган 1083 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Халқ ҳунармандчилиги касбларига ўргатиш мақсадида «Уста-шогирд» анъанаси бўйича кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ўқув курслари ташкил этилди. Вилоятдаги умумтаълим мактаблари 21 турдаги мусиқа асбоблари билан таъминланди.

Ёш оилалардан 371 тасига уй қуриш ва турар-жойларини реконструкция қилиши учун ипотека кредитлари, 5847 та ёш оилага уй-жой қуриш учун ер участкалари, 4015 та ёш оилага уй-жой жиҳозлари ҳамда рўзғор анжомлари сотиб олишлари учун 4277,9 миллион сўмлик истеъмол кредитлари берилди. Ёш оилаларни турар-жой билан таъминлаш мақсадида Қарши шаҳрида ҳар бири 32 хонадонли 2 та кўп қавватли уй қурилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан режалаштирилган 19 та спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

Кам таъминланган оилалардан 1570 тасига йирик шохли қорамоллар, 8100 та ёш оилага эса қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилди. 270 нафар ёшнинг никоҳ ҳамда 267 нафар болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди.

Юқорида равшан кўриниб турибдики, «Ёшлар йили» аталмиш 2008 йилда ватанимиз иқтисодий, маънавий, сиёсий салоҳияти юксалиб, юртимизнинг бунёдкорлик солномасига ўта муҳим давр сифатида муҳрланиб қолди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Хоразм вилояти

ЛОЙИҲА АСОСИДА

Вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича қатор ибратли ишлар қилинмоқда.

Яқинда "Тоза сув, тозалик ва аҳоли саломатлиги" дастури доирасида Жаҳон Ривожланиш ва тараққиёт банки ҳамда Қувайт Араб иқтисодий ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан Урганч шаҳрида суткасига 100 минг метр куб ичимлик суви етказиб бериш қувватига эга тозалаш иншооти қуриб ишга туширилди.

Айни кунларда "Қорамон – Қўшкўпир" ҳамда "Хива – Янгиариқ" йўналишларида 39,5 километр узунликда қувурлар ўтказиш, сув ўлчагич асбобларини ўрнатиш, тақсимлаш иншоотларини қуриш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Ушбу бунёдкорлик ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлда қабул қилинган қарорига асосан, Оролбуйи қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси асосида Осиё Тараққиёт банкининг 38 миллион АҚШ доллар миқдоридаги маблағи эвазига амалга оширилмоқда.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Хабарлар

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳридаги Мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ ташкилот ва муассаса 127 та бўш иш ўринлари билан иштирок этган бўлса, ярмарка якунида 90 нафарга яқин ёш йигит-қиз доимий иш ўринларига қабул қилинди.

Айтиш жоизки, Ёшлар йилида шаҳарда олти бор ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида 725 нафар фуқаро муқим иш ўринлари билан таъминланди.

Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарё» овули ва Чимбой тумани аҳолиси янги йил байрами арафасида муносиб совғага эга бўлди. Гап шундаки, «Қорақалпоқавтойўл» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари томонидан ҳар икки туманнинг марказидан анча олисдаги овулларни боғлаб турувчи Қозоқдарё канали устига кўприк қурилгач, аҳолининг узоғи яқин бўлди. Шунингдек, кўприкнинг ҳар иккала томонига асфальт ётқизилиб, автоуловлар қатновига шароит яратиб берилди.

Нукус шаҳридаги «Навқонбоғ» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида 215 ўринли янги умумтаълим мактаби қуриб фойдаланишга топширилди. Эндиликда ўқувчилар машғулотларни кенг, ёруғ ва шинам хоналарда ўтказишади.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Сирдарё вилояти

Ижтимоий ҳимоя

"БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИ" ИШ БОШЛАДИ

Сирдарё вилоятида "Ёшлар йили" давлат дастури ижроси юзасидан қурилган "27-Меҳрибонлик уйи" фойдаланишга топширилди.

Гулистон шаҳрининг Бўстон маҳалласида қад ростлаган бу маскан "Болалар шаҳарчаси" деб номланди. Айтиш керакки, у Самарқанд, Тошкент, Андижон шаҳарларида бунёд этилган мана шундай масканларнинг тўртинчисидир.

"Болалар шаҳарчаси"ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Меҳржон" жамоат фонди ташкил этилгани фаолият самарадорлигини янада оширяпти. Фоднинг бош таъсисчиси бўлишни Сирдарё вилояти ҳокимлиги ўз зиммасига олган.

Яқинда болажонларнинг қувончига яна қувонч қўшилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг оила муҳитида улғайишини таъминлаш мақсадида Гулистон шаҳрида республика бош прокуратураси ташаббуси билан 10 та каттеж қурилди. Қувонарлиси, бу ерда болаларнинг соғлом ўсиши, ўқиши учун барча шароит яратилган. Эндиликда улар ҳақиқий оила шароитида яшаб, ўзларининг бор қобилият ва истеъдодларини намойиш этишлари мумкин.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Оқдарё туман электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти аҳолига ҳар ойда 3 минг 500 кв. электр энергияси етказиб бермоқда.



Корхонамизда кузқиш мавсумига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди, — дейди муассаса бош муҳандиси Орзу Маллаев. — Мавжуд 59 та трансформатор қайта тамирдан чиқарилиб, Бойбўта, Бахт, Талаба, Чайтовул, Чоржу аҳоли пунктларидаги ва бошқа электр қурилмалари қишги мавсумга тайёрлаб қўйилди.

СУРАТЛАРДА: *электромантёрлар Саттор Искандаров ва Феруз Дўстмуродов; диспетчер Зокир Дўстмуродов иш устида.*

Тоҳир НОРҚУЛОВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

Сирдарё вилояти

БИР ЙИЛДА УЧ МАРТА ҲОСИЛ

олаётган Умар ака Умиров маҳалла-кўй ишларига ҳам камарбаста

Она заминимизда деҳқончилик қилиб, йилига уч ҳосил олишни амалда исботлаётган тадбиркорларни кўриб қувониб кетасан, киши. Жиззах вилояти Мирзачўл туманида истиқомат қилаётган Умар ака Умировнинг ерга бўлган муносабатини кўриб, кироийи шундай зироатчи бўлсанг, деб кўйдим.

Умар аканинг деҳқончилик қиладиган жойи бор-йўғи 6 сотих! Лекин уста деҳқон йилига уч марта ҳосил олиб ернинг самарадорлигини оширади. Унга фаслларнинг имтиҳонлари аҳамиятсиз, қишда иссиқхонада маҳсулот етиштиради. Баҳорнинг сел ва дўлларидан қўрқмайди. Ернинг устки қисмини ёпадиган қопламаларни ҳозирлаб қўйган. Мен юқорида унинг хонадонида кузда бўлганимни эслатгандим. У уруғларнинг қисқа муддатларда етиладиганини танлайди. Масалан, ўрмалаб ўсадиган ловия экади. Ловиянинг илдизи ерга тегиб турса бас, мевали дарахтнинг шоҳигами, войиши қилиб кўтарилган ишкомгами, чирмашиб мевасини бераверади. Томларнинг устигача ҳосил тиккан ошқовоқ, томошақовоқларни кўрсатди, у. Рўзғорга ишлатиладиган сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ҳоҳ очиқда, ҳоҳ плёнка остида, ҳоҳ иссиқхонада бўлсин мавсумга қараб ўсиб ётади. Гул мева ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирадиган жойда барқ уриб ўсаётган ниҳолларни кўриб, бу ерда ғоят уста боғбон борлигини ҳис қиласиз. Айниқса, унинг етиштирилган маҳсулотларни исроф қилмаслиги, сифати бузилмаслиги ҳақидаги тажрибасини айтмайсизми? Қора кишмишни майизга айлантирадиган мослама яратган. Маккажўҳори, помидор экадиган қўлбола механизмлар «ижод» қилди.

— Уста деҳқонларнинг тажрибасини ўрганиб, бизнинг она заминимизда йилига 3 марта ҳосил олиш имконияти борлигини англадим, — дейди у. — Масалан, бодринг 40-50 кунда вояга етади, мен уларнинг орасига маккажўҳори экаман. Умрини яшаган экиннинг ўрнида янгиси етишиб келаяптида! Памидор қаридими, унинг ўрнида барқ ураётган шолғом, пиёзни ўстирса бўлади. Экинларнинг оралиғига, очиқ жойларга иккинчи тур экинни экаман. Ер бўш қолмайди, лекин ерни озуқадан чарчатмаслик керак. Вақтида суви, ўғити, ишлови дегандай... Вақтдан ютса бўлади.

Мен Умар аканинг заминни эслатувчи сертомир қўлларига қарадим. Деҳқон ҳар йилига 2-3 миллион сўм даромад қилади. Тумандаги ободончилик ишлари учун йилига 4-5 минг тўп терак етиштириб беради. Қаерга борса, тез етиладиган терак, серҳосил мева дарахтларининг кўчатларидан, қаламчаларидан олиб келади. Сурхондарёга борганида тез етиладиган терак қаламчаларидан келтириб кўчат етиштирган эди. Ўша терак кўчатлари бугун туман марказида улкан дарахтларга айланиб турибди. Умар аканинг эл корига ярайдиган мўмин-қобил фарзандлари бор. Улардан бири Отабек «Ташаббус» кўрик-танловида иштирок этиб, ғолибликни эгалламоқда.

Кўнгли баҳор ишқи билан яшаётган Умар аканинг қалбида яна бир қувонч уйғонди. Юртбошимиз 2009-йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили деб эълон қилгани унинг кучига куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Самарқанд шаҳрининг Пяйариқ туманининг «Аҳадқишлоқ»ида туғилиб вояга етган, йигирма беш йиллик умрини чўлларда ерни эъзозлашга бахшида этган Умар ака Умиров Президентимиз фармонига мувофиқ «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Мана ўн йилдирки, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига раҳбарлик қилмоқда. Ўзи етиштирган кўчатлардан экиб «Дўстлик» боғи яратишга бош қош бўлди. Тўртта маҳалла, саккизта қишлоқ фуқаролар йиғинига раҳбарлик қилиб, жамоани чўлларни кўкаламзорлаштириш, гуллар шаҳрига айлантиришга ундамоқда.

— Ўзбекистонимизнинг иқлим шароитини, заминини ер юзидаги бошқа жойларга таққослаб бўлмайди, — дейди у. — Ерга бир дона буғдой ташласанг, бир кафт буғдой беради. Фақат ернинг қалбига қулоқ солишимиз керак. Бу заминда тадбиркорлик қилсангиз турмушингиз фаровон бўлади.

Умар ака Умиров етиштираётган узум олтиндай сапсариқ, ҳозиргина узилгандай товланади. Ошқовоқлар, томошақовоқлар, анорлар, ношватилар ўзининг ширинлиги ва катталиги билан кишини ҳайратлантиради.

Уй бекаси Момохон аянинг гапларидан тўғриб кетади:

— Умар акангиз бир ишни бошладими, оҳирига етказмагунча. Ҳозирда у туманимиздаги хотин-қизларни касаначилик йўли билан ишга жалб қилишга киришган. Қизларимиз чевар бўлади. Уларнинг тўқиган гиламлари, зардўзи материаллари қўшни республикаларда ҳаридоргир. Шунча иши бор-у, зироатчиликка вақт топаётган Умар ака Умировга қойил қолмай иложи йўқ.

...Сочлари мошкичри, ўрта бўйли 65 баҳорни қаршилашга ҳозирлик кўраётган Умар акадек оқсоқолга қишлоқларимиз чиройини яна очишда қўшадиган ҳиссангиз унумли бўлаверсин деймиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Дунёда ватан ҳимоячисидек шарафли иш йўқ. Чунки бу касб эгалари ўз ҳузур-ҳаловатларидан кечиб, кечаю кундуз сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини таъмин этадилар.

Нодир Абдумуродовнинг бу соҳага қизиқишида оилавий муҳитнинг катта ўрни бор. Ички ишлар соҳасида ишлайдиган отаси Нурқобил ака Абдумуродов орқали унда халқ осойишталигини асрашдек эзгу ишга ҳавас шакллана борди.

Қаҳрамонимизнинг айтишича, уйидаги мўъжазгина кутубхонада Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк бобокалонларимизнинг Ватан ҳимоясидаги жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилишга оид нодир асарлар сақланган. Унинг бўш вақти деярли кутубхонада ўтди. Шу тарзда онгу шуурида бу шарафли соҳага чексиз меҳр-муҳаббат шакллланди.

Ўрта мактабнинг 9-синфини тамомлаган Нодир мақсади йўлида ўзининг илк қадамини ташлади: Тошкент шаҳридаги ҳарбий академик лицейга ўқишга кирди. Бу ерда ўқиш давомида ўзининг соҳага қизиқиши ва бу борадаги билимлари юксаклигини намойиш қилди. Буни таълим даргоҳида ўтказилган спорт, фан, соҳага оид мусобақаларда фаол бўлганида ва лицей раҳбариятининг қатор фахрий ёрлиқлари, эсталик совғаларига муносиб топилганида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йили ушбу таълим муассасасини аъло баҳолар билан тамомлаган қаҳрамонимиз лицейда олган билимларини янада ривожлантириш мақсадида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжатларини топширди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, билим юрти курсантига айланди. Ўқув йили бошланганига ҳали унча кўп вақт бўлмаса-да, қаҳрамонимиз тиришқоқлиги, машғулотларда ва жамоат ишларида фаол қатнашиши орқали устоз офицерлар эътиборига тушди.

— Ўғлимнинг эришаётган ҳар бир муваффақияти кўнглимни тоғдек кўтаради, кўксимни ғурурга тўлдиради, — дейди Нурқобил Абдумуродов. — У ҳарбий касбни танлаганидан роса қувондим. Чунки ватанни мардлар қўриқлайди. Эгнида ҳарбий либос билан халқига, юртига содиқ бўлишга қасамёд қилганида эса кўзимга қувонч ёшлари келди.

Жамшид НИЁЗОВ

Элда эъзоз топганлар

Хоразм вилояти

ОРЗУЛАРИ ТОНГДЕК НУРАФШОН

Шоназар билан Гулнора ҳар куни тонгни илҳақ кутиб, эл юмушига отланади: Шоназар қадрдон маҳаллаcига, Гулнорахон боғчага. Эл корига яраш, юрт ташвиши билан яшаш, одамлар ишончини қозонишни энг катта бахт деб билишади. Мана бугун ҳам ана шундай қутлуғ ниятлар билан остонадан чиқишди.

Шоназар фуқаролар йиғини биносига яқинлашар экан, идора олдида турган учтўрт маҳалладошига кўзи тушди. «Тақдиримиз тонгга туташ, – хаёлидан ўтказди у. – Булар ҳам эрта саҳардан мени кутишаяпти. Ҳар бирининг ўз ташвиши, муаммоси бор. Иложи борича мушкулларини осон қилишимиз керак!»

...Шоназар Хивадаги ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент Маданият институтига ўқишга кирди. Олийгоҳда аъло баҳоларга ўқиди, тиришқоқлиги, ташкилотчилиги билан ажралиб турди. Сўнг Урганч Давлат университетининг тарих факультетини ҳам сиртдан ўқиб тамомлади. Ўн йилдан ошиқ турли даргоҳларда сидқидилдан хизмат қилди. Ҳатто тадбиркорлик соҳасида ҳам ўз имкониятини синаб кўрди. «Олтин воҳа» номли фирма ташкил қилиб, унда халқ ҳунармандчилиги бўйича хизмат турларини йўлга қўйди. Фирма фаолияти изга тушиб, ишлар ривожланди. Шаҳардан унча узоқ бўлмаган "Оқёп" қишлоғи яқинидан 30 гектар ер олиб, фермер хўжалигини ташкил этди.

Бундан икки ярим йил муқаддам Шоназарга маҳалладошлари катта ишонч билдиришди. Уни «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлашди. Шоназар Матёқубов бугун йиғин раиси сифатида қизғин фаолият кўрсатиб келмоқда. Ёш бўлса-да, оқсоқолларга хос фикр юритади, барча хайрли ишларга бош-қош.

Маҳаллада 624 хўжалик, 800 дан ошиқ оила мавжуд. Ўн ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди. Йиғин раиси Шоназар Матёқубовнинг қатъиятлилиги, ташаббускорлиги туфайли кейинги йилларда маҳалла осойишталиги, ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида талай ишлар қилинди.

– Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалламиздаги ҳар бир оила учун алоҳида дафтар ташкил қилдик, – дейди оқсоқол. – Унда хонадоннинг ҳар бир оила аъзоси, кимнинг қаерда ишлаётгани ёки ишга муҳтожлиги, қандай касб-корга эга эканлиги қайд этиб борилади. Яқинда туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда фойдаланилмай турган маиший хизмат уйи биносини таъмирлаб, бу ерда 35 нафар хотин-қизни иш билан таъминладик. Шунингдек, уста ҳунарманд Рустам Собиров фарзандлари билан биргаликда «Устошогирд» мактабини ташкил қилиб, маҳалламиз ёшларига дурадгорлик сирларини ўргатмоқда. Маҳалла гузаридаги маиший, савдо шохобчаларида ҳам ёшларимиз ихлос билан ишлаяптилар.

Ҳа, ёш оқсоқолнинг маҳалла аҳлининг иш билан бандлиги масаласига эътибор қаратаётгани бежизга эмас. Негаки, агар ҳар бир оилада ишга яроқли одамлар бекор ўтирмаса, иш билан таъминланса, турли нохуш воқеалар, қўйди-чиқдилар ўз-ўзидан барҳам топади, жиноий хатти-ҳаракатларнинг пайи қирқилади. Оқсоқол масаланинг айни шу жиҳатини яхши англаб етган.

Маҳалла ҳудуди ҳамиша озода-ораста. Чиқиндиларни ўз вақтида белгиланган жойга чиқариб ташлаш муаммоси тўла ҳал этилган. Чунки маҳалла ўз транспорт воситасига эга. Жуманиёз Бобожонов, Рустам Собиров, Жуманазар Отажонов, Бахтиёр Нурматов каби саховатли инсонлар муҳтожларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келишмоқда. Масалан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Александр Соколовнинг 95 ёшга тўлиши муносабати билан алоҳида тадбир ўтказилиб, унга совға-саломлар берилди. Болаликдан ногирон Оллоберган Қутлимуродовга эса компьютер жамланмаси туҳфа қилинди. Ҳомийлар кўмаги билан маҳаллада турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб турилади. «Гулсевар оила» танловида ғолиблик Бахтиёр Оллоберганов оиласига, «Китобхон оила»да Давлатёр Раҳимов оиласига насиб этди.

– Маҳалламиз нуфузини оширишда унинг хизматлари катта, – дейди уруш ва меҳнат фахрийси Маҳмуджон Нурниёзов. – Шунинг учун ҳам маҳалламиз аҳли бир овоздан ёш бўлса-да, кўпга бош бўлаётган Шоназар Матёқубовни иккинчи бор фуқаролар йиғини раислигига сайлашди. У, албатта, ишончимизни оқлайди.

Гулнорахон Мадримова раҳбарлик қилаётган «Орзу» болалар боғчаси вилоят мактабгача таълим муассасалари орасида ажралиб туради. Боғчада болаларни она табиатга ошно этиб тарбиялашга эътибор катта. Табиат музейи ташкил қилинган. Боғча жамоаси республика кўрик-танловида ғолиб чиқиб, Халқаро «Экосан» жамғармасининг дипломи, пул мукофоти билан тақдирланди. Бу эса Гулнорахоннинг ҳам умр йўлдоши Шоназар каби ташаббускорлиги, изланувчанлиги, ишчанлигидан далолат.

...Яна бир нурафшон тонг отди. Шоназар ва Гулнорахон бир олам эзгу орзу-умидлар билан ишга отланишди. Олдинда эса бахт-саодат келтирувчи қанчадан-қанча тонглар бор.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla» мухбири.

СУРАТДА: *фуқаролар йиғини раиси Шоназар Матёқубов болаликдан ногирон О.Қутлимуродовга компьютер жамланмасини совға қилмоқда.*

Шавкат СОБИРОВ олган сурат.

Ибрат

Қорақалпоғистон Республикаси

ҲАР ИШГА БОШ ОҚСОҚОЛ

Оролбой Қидиралиев узоқ йиллар эл-юрт учун ҳормай-толмай хизмат қилди. Устюрт этакларида чорвачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшди. Кўпни кўрган, жонкуяр бу инсон "Олтинкўл" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси этиб сайлангач, янада шижоат билан меҳнат қила бошлади.

Оқсоқол илк ишини кенг жамоатчилик билан мулоқотга киришишдан бошлади. Шу аснода, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам жиддий ёндашилиб, тез орада 5 минг тўп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди, шаҳарча кўчалари тозаланди. Кам таъминланган, ёлғиз оилаларга моддий-маънавий кўмак беришни кучайтиришга эътибор қаратилди. Бундай юмушларнинг бекаму кўст бажарилишида фуқаролар йиғини қошида махсус жамғарма ташкил қилингани қўл келди.

Кейинчалик Оролбой Қидиралиевнинг ташаббуси билан "Сейдан" кўпригини таъмирлашга киришилди. Қурилиш жиҳозлари келтирилиб, бунёдкорлик ишлари қисқа муддатда адо этилди — аҳолининг узоғи яқин бўлди. Табиий газ таъминотидаги нуқсонларни бартараф қилишда ҳам оқсоқол бошқош бўлди.

– Энг қувонарлиси, Ёшлар йилини яхши натижалар билан якунлаяпмиз, — дейди Оролбой Қидиралиев. — 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида аҳоли турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар янада кўпаяди, самарадорлиги ортади. Айни пайтда янги йил байрами муносабати билан кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларга байрам совғалари етказишни режалаштиряпмиз.

Дарвоқе, яқинда бўлиб ўтган сайловда Оролбой Қидиралиев фуқаролар йиғини раислигига қайта сайланди. Бу маҳалладошларнинг ташаббускор ва фидойи оқсоқолга бўлган юксак ишончи ифодасидир.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

Бунёдкорлик

ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фарғона шаҳрида катта миқёсдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар ҳудудидаги Мўйдин Ҳасанов ва Мустақиллик кўчалари кесишган жойда қад ростлаётган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Раҳматилло Эркабоев бошлиқ 1-механизациялашган кўчма калоннанинг қўлигул қурувчилари 360 ўринга мўлжалланган, барча қулайликларга эга бўлган бинонинг рамзий калитини муддатидан аввал топшириш мақсадида астойдил ҳаракат қилишмоқда. Ташкилот иш юритувчиси Улуғбек Каримовнинг таъкидлашича, қурилиш ишларига 4,5 миллиард сўмлик маблағ ажратилган. Шу кунгача бу ерда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари юқоридаги маблағнинг 70 фоизини ташкил этади.

Айни кунларда бинонинг тоза ичимлик суви, иситиш ҳамда канализация тармоқлари тизимидаги юмушлар ниҳоясига етказилди, пардозлаш олиб борилаяпти. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга яратилган қулай шарт-шароитлар улар томонидан кунлик топшириқларни ортиғи билан адо этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Алижон МИРЗАБОЕВ

АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Андижон Вилояти Хўжаобод туманида янги маиший хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади. Бу аҳоли учун Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида катта совға бўлди.

Ҳозир янги маиший хизмат кўрсатиш марказида аёллар гўзаллик салони, тикувчилик цехи, электрон уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш устаҳоналари, суратхона, сартарошхона каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, озиқ-овқат ҳамда савдо дўконлари хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА: *тикувчи Дилором Бектемирова;*
туман марказидаги қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш маркази кўриниши.

Шуҳрат Олимов *(ЎзА)* **олган суратлар**

Самарқанд вилояти

Ижтимоий муҳофаза

МЕҲР ҚЎНГИЛ МАЛҲАМИ

Ҳар бир инсон бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли. Бироқ, ҳар кимнинг пешонасида ўз ёзиғи бор, тақдир барчани бирдек сийламайди. Умри хасталик билан кечган ёхуд соч-соқоли оқарган дамларда ёлғизланиб, бировларнинг доимий ёрдамига, меҳрига муҳтож бўлиб қолган кишилар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Улар қўни-қўшнилари, маҳалладошлари меҳр-мурувватидан ҳар дамда умидвор бўлади. Бундай фуқароларга моддий-маънавий кўмак кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишга мамлакатимизда давлат сиёсати даражасидаги долзарб масала сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Қолаверса, кам таъминланган фуқароларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш инсонпарварлик белгисидир.

Тайлоқ тумани ижтимоий таъминот бўлими томонидан рўйхатга олиниб, доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинаётган яккаёлғиз пенсионерлар, ўзгалар парваришига муҳтож ёки ногирон фуқаролар 46 нафарни ташкил этади. Уларнинг орасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Фронт ортида меҳнат қилган кишилар ҳам бор. Бу фуқароларнинг саломатлигини асраш, яъни сифатли тиббий хизмат ва доридармон воситалари билан таъминлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида бу фуқароларга дори-дармон воситалари харид қилиш учун 414 минг 400 сўм маблағ сарфланди, ҳомийлар томонидан 7 миллион 349 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, рўйхатга олинган фуқаролар бепул тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Тиббий муолажага эҳтиёж сезган кишилар шифохоналарда даволанади, зарур тиббий воситалар билан таъминланади. Жорий йилда 17 нафар қариянинг амбулатория шароитида ва шифохоналарда саломатлигини тиклаши учун шарт-шароитлар яратилди. Юртимизнинг баҳаво, хушманзара масканларида жойлашган "Товоқсой", "Олтиариқ", "Косонсой", "Маржонсуви", "Нуронийлар", «Марварид» каби сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар берилди. Навбатдаги тиббий кўриклар натижасига кўра, эҳтиёжмандларга қатор махсус тиббий ашёлар, жумладан, 2 та эшитиш ва 17 та протез-ортопедик мосламалари, 14 та ногиронлар аравачаси туҳфа этилди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими фаолияти кенг кўламли бўлиб, зарурат туғилганда эҳтиёжманд фуқароларнинг уй-жойларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларда тўй-маъракa маросимларини ташкиллаштириш ва ўтказиш борасида моддий мадад кўрсатиб келинмоқда. Шу йилнинг ёзида беш нафар фуқаронинг турар-жойи тўлиқ таъмирланди. Бу хайрли иш учун ҳомий ташкилотлар томонидан 1 миллион 460 минг сўм маблағ ажратилди.

Ёрдамга муҳтож оилаларнинг тўй-ҳашам маросимларини ўтказишда ҳам ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонлар ҳиммати таянамиз. Йил бошидан ҳозиргача ўн битта оилада бўлиб ўтган тўй ва тантаналарга баҳоли қудрат ҳисса қўшдик. Шу мақсадда 7 миллион 650 минг сўм маблағ сарфланди.

Тўй-маъракалар, турли сана ва байрамларда юртдошларимизнинг ўзаро меҳр-оқибати, бева-бечораларни қўллаб-қувватлашдаги саховатпешалиги яққол намоён бўлади. Бу борада туманда мавжуд фуқаролар йиғинларида йўлга қўйилган амалий чора-тадбирлар самарасини алоҳида эътироф этиш жоиз. Фуқаролар йиғинлари орқали аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш адолатли ва одилона тарзда амалга оширилаётганидан ташқари, маҳалла ходимлари ва фаоллари хайрли юмушларга ҳомийларни жалб этишда ташаббус кўрсатмоқда. Шуниси қувончлики, юртдошларимиз ўзаро меҳр-оқибатли, қўни-қўшнилар, маҳалла аҳли ёрдамга муҳтож кишиларнинг тақдири, муаммоларига бефарқ эмас. Маҳаллаларда турли байрамлар муносабати билан ўтадиган тантаналар, аввало, қариялар, ногиронлар, ёрдамга муҳтож маҳалладошлар хонадонидан бошланади. Мана шу чора-тадбирлар самараси ўлароқ, йил бошидан буён кам таъминланган оилалар, ногирон ва мутҳож кимсаларга 76 миллион 783 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани халқимизга хос саховатпешаликнинг намунасидир.

Абдурашид РАҲИМОВ,
Тайлоқ тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Дунёдан дараклар

ФАБРИКАДА ПОРТЛАШ

"Синьхуа" ахборот агентлигининг хабар беришича, Хитойнинг Шаньдун музофотида жойлашган Вэйфан шаҳрида ноқонуний фаолият юритаётган пиротехник воситалар ишлаб чиқарувчи корхонада кучли портлаш содир бўлди.

Портлаш натижасида 3 нафар киши қурбон бўлган, деб хабар берилган эди. Қутқарув гуруҳи эса яна 10 нафар одамнинг жасадини топган.

Пекинда бўлиб ўтган 29-Олимпиада ўйинлари очилишидан олдин шаҳар атрофида ноқонуний фаолият юритаётган юзлаб пиротехник воситалар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ёпилганди. Олимпиада ўйинлари ёпилиши ва янги йилни кутиб олишга тайёргарликлар бошланганидан сўнг уларнинг сони аввалгидан ҳам кўпайиб кетди.

Дунёда энг йирик миқдорда пиротехник воситалари ишлаб чиқарувчи мамлакат ҳисобланган Хитойда ушбу соҳага ихтисослашган минглаб кичик корхоналар фаолият кўрсатади. Уларнинг аксарияти эса ноқонуний ишлаб чиқаришга асосланган. Бундай корхоналарда содир бўлаётган портлашлар натижасида йилига юзлаб кишилар қурбон бўлишади.

БАЙРАМДАГИ ЗЎРАВОНЛИКЛАР

«Пренса Латина» ахборот агентлигининг хабар беришича, Ямайкада янги йил тантаналарини ўтказиш пайтида 13 нафар киши турли зўравонликлар қурбонига айланган.

2008 йилда Кариб ҳавзасидаги ушбу мамлакатда турлича зўравонлик ва қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида 1620 нафар киши қурбон бўлган. Уларнинг кўпчилиги гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланадиган жиноий тўдалар, турли қимор ўйинлари ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга оширадиган гуруҳлар томонидан ўлдирилган.

Ҳукумат бундай ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан тезкор чоралар кўриш йўлларини изламоқда. Экспертлар фикрига кўра, ҳали бир тўхтамга келингани йўқ.

Бир неча кун олдин ҳукумат мамлакат шимолида жойлашган Грэвел Хайтс ҳудудига жиноий тўда таҳдиди остида ўз уйларини ташлаб чиқишга мажбур бўлган аҳолига ёрдам бериш учун ҳарбий қўшинларни юборишга мажбур бўлди. Ҳукуматнинг мамлакатдаги жиноий гуруҳларга бас кела олмаётгани аҳолининг нафақат тинч турмуш кечириши, балки камайиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатда 2,5 миллион киши истиқомат қилади.

ҚИШ ҚИШЛИГИНИ ҚИЛМОҚДА

Саксония федерал ери автомагистраллари ва кўчалари кўп миқдорда қор ёғиши ва совуқ шамол натижасида музлаб қолмоқда. Оқибатда ўлкада юзлаб йўл транспорт ҳодисалари содир бўлаётир.

Катта тезликка мўлжалланган Дрезден–Айзенах, Дрезден–Берлин ва Дрезден–Прага йўналишларидаги автомагистрал йўлларда транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда. Етказилаётган моддий зарар миқдори юз минглаб евронни ташкил этаётгани хабар қилинаётир.

Баден-Вюртемберг федерал ерида совуқ айни кунларда 13 даражадан ошиб кетган. Штутгартск аэропортида 10 даража совуқ, деб хабар берилмоқда.

Немис об-ҳаво хизмати ГФРнинг шимолий ҳудудларида кечаси 15-20 даражагача совуқ бўлиши ҳақида хабар тарқатди.

КЕМА ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Якшанба куни Непалнинг шарқида йўловчи ташиш кемаси сувга чўкиб кетди. Оқибатда кемада бўлган 38 нафар киши бедарак йўқолган, деб хабар бермоқда мамлакатнинг маҳаллий ахборот агентлиги.

«Бедарак йўқолганлар сони ҳали яна ортиши мумкин, чунки кемада неча киши бўлгани ҳақида маълумотлар тўлиқ эмас, — дея хабар беради телефон орқали маҳаллий ҳукумат вакили Юбарай Бхаттараи. – Кема Непалнинг Коши дарёсида эрта тонгда чўккан».

Дастлабки маълумотларга қараганда, кемада жами 50 нафар одам бўлган. Ҳозиргача уларнинг 11 нафари қутқариб қолинган. Бироқ улар ҳам кемада неча киши бўлгани ҳақидаги маълумотдан бехабар экан.

ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Американинг Луизиана штатида вертолёт қулаб тушиши оқибатида етти нафар киши ҳалок бўлди, бир киши бедарак йўқолди ва яна бир киши жиддий тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

Ҳозирча ушбу ҳодисанинг сабаблари аниқланганича йўқ. Қутқарувчилар йўқолган одамни излашда давом этмоқда.

Маҳаллий WWLTV телеканалининг хабар беришича, вертолёт нефть ва газ қазиб олишга ихтисослашган компанияга тегишли бўлиб, асосан компания ходимларини ташишга хизмат қилиб келган. Мутахассислар ҳодисанинг сабаблари ва жабр чекканларга ёрдам кўрсатишни ким ўз бўйнига олиши ҳақида ҳали бир қарорга келганлари йўқ.

Интернет хабарлари асосида Муҳайё Рустам қизи тайёрлади.

ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ҚИЗ

Наманган муҳандислик-педагогика институти электроэнергетика факультети иккинчи босқич магистранти Саида Абдуллаева учун **2008** йил омадли келди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясининг соҳибаси бўлди.

Фаол ва тиришқоқ қиз Саида **2007** йилда "Келажак овози" танловининг "Ахборот коммуникация технологиялари" йўналиши бўйича республика босқичида ғолиб чиққан.

СУРАТЛАРДА: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясинингт соҳибаси, Наманган муҳандислик педагогика институти электроэнегетика факультети 2-босқич магистранти Саида Абдуллаева.*

Наманган муҳандислик педагогика институти биносининг кўриниши.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ *(ЎзА)* **олган суратлар**

Фарғона вилояти

Қарор ва ижро

КИТОБ МАРКАЗЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Республикамизда китоб савдоси ва тарғиботини йўлга қўйиш, замонавий кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди.

— Кенг кўламли маънавий-маърифий ишлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим таркибий қисми саналади, — дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари Файзулло Зоҳидов. — Юксак маънавиятни шакллантиришда эса китоблар катта аҳамиятга эга. Шу боис бир йил муқаддам шаҳар ва туманларда китоб савдо дўконларини очишни бошладик. Натижада 2007 йилнинг ўзида 20 дан ортиқ савдо марказлари ишга туширилди.

Ёшлар йилида мазкур йўналишдаги ишлар янада салмоқли бўлди – 60 дан ортиқ китоб марказлари очилди. Уларнинг 21 таси пойтахтимиздаги "Шарқ" нашриёти матбаа акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Айни пайтда вилоятнинг шаҳар ва туманларида 90 дан ортиқ китоб савдо марказлари фаолият юритмоқда.

Вилоятда кейинги пайтларда кўпроқ психология, саломатлик, шунингдек, махсус ўқув-илмий адабиётларига талаб ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шунинг учун китоб дўконларида, таклиф-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда, янги адабиётлар бўлимлари ташкил этилмоқда.

Айни кунларда вилоятнинг Фурқат, Сўх, Риштон, Фарғона ва Бешариқ туманларида янги китоб савдо марказларини очиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИдаги САМАРҚАНД

Самарқанд ўзининг ҳашаматли саройлари, баланд ва мустаҳкам қалъа деворлари, истеъдодли меъмору мусаввирларининг бетакрор санъати билан асрлар оша дунёни лол қолдириб келган. Орадан йигирма етти асрдан кўп вақт ўтиб, эндиликда Самарқанд остонасидаги машҳур шаҳристон ҳаробалари остидан топилган ғаройиб тарихий осори-атиқаларгина Сўғдиёна ўтмиш шуҳратидан далолат бериб турибди. Унинг пойтахти Афросиёбда не-не фотиҳлару-шоҳлар ҳукм сурмаган, дейсиз.

Ҳозирда уларнинг исми шарифларини қадимий қўлёзмалар-у, салобатли мақбара тошларидаги битиклардагина ўқиш мумкин. Шу сағаналарнинг ўзи ҳам моҳир меъмор ҳамда истеъдодли бинокорлардан қолган ёдгорлик сифатида бизни ҳанузгача ҳайратга солади.

Самарқанд — Буюк ипак йўлига бевосита дахлдор шаҳар. «Самарқанд–катта шаҳар, у бутун дунё савдогарлари тўпланадиган жой ҳисобланади» деб ёзган эди X аср яшаб ўтган араб сайёҳи ал-Муқаддасий. Венециялик сайёҳ Марко Поло эса: «Самарқанд жуда катта ва машҳур шаҳар» деб тан олинганлигини ёзади. У шарқ карвон йўллари кесишган асосий чорраҳалардан бири сифатида машҳур бўлиб келганди.

VII аср бошларидаёқ Самарқанд савдо-сотиқ ишлари авж олган жой бўлиб қолди. Бунга 605-617 йиллар мобайнида Самарқандда бўлган Хитой элчиси Вей Цзенинг ҳисоботи шоҳид бўла олади. Унинг маълумотига кўра «Самарқандда яшовчиларнинг ҳаммаси моҳир савдогардирлар, ўғил болани беш ёшга тўлиши билан савдо ишларига ўргатадилар». Ўша вақтларда Самарқанд савдогарлари Етисув ва Хитой чегараларигача етиб бориб, у ерларда ҳам ўз савдо калонияларини ташкил қилганлар. Бу вақтда Хитой ёзма манбаларига кўра, Самарқанд ҳунармандчилик ва савдо ривожланган катта гавжум шаҳар бўлган. Ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда эрамизнинг II асридаёқ Сўғд савдогарлари Хуанхэ (Хитой) дарёсидан то Марв шаҳрига қадар ястанган мазкур қадимий йўлда савдо-сотиқ ишларини ўз қўлига олган эди. Суғдийлар халқаро савдода устаси фаранг бўлганлар.

Айни бир вақтда ҳунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига катта ёрдам берган. Дарвоқе, Самарқандда жуда кўп бежирим ва нафис буюмлар тайёрлайдиган моҳир уста ва ҳунармандлар яшаган.

«Унинг бойликлари, — деб ёзади Самарқандда бўлган Испания элчиси Рюц Ганзалес Клавихо, — озиқ-овқатдангина иборат эмас, балки у ерда ипак газламалар, атлас, шойи, мўйна ва ипак астарликлар, ёғ-упалар, шиша ва сопол буюмлар ҳамда бошқа нарсалар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилади».

Дарҳақиқат, Самарқанд ўша даврда бутун Халифаликдаги котиблар ва қаламкашларни ўзининг аъло сифатли қоғози билан таъминлаб турган. Самарқанд қоғози юз йиллар мобайнида Ғарбий Овруўпа мамлакатларида энг харидоргир мол саналган. Қадимий китобларда нақл этилишича, IX-XV асрларда минг-минглаб араб қўлёзмалари худди шу Самарқанд қоғозига битилган экан.

Мовароуннаҳрда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулот аввал Самарқандда жам бўлиб, кейин бошқа ўлкаларга тарқалган. Чунки бу шаҳар Мовароуннаҳрнинг барча йўллари туташган жой бўлган, савдотижорат аҳли шу ерда тўпланган. X аср араб географи ал-Мақдисий четга чиқарилган турли-туман шойи ва полотнолар, кумуш зарбоблар ҳақида ҳикоя қилади. Унинг ахборотича, бу ерда мис қозонлар, бежирим жомлар, узанги ва сувлиқлар, шиша буюмлар тайёрланган ва кўплаб четга чиқарилган. Ғарбда, Месопатамияда Бедар пахта ипидан тўқилган газламалар жуда машҳур бўлган. Ўша даврларда Самарқанд усталари дастгоҳидан чиққан ипак-шойилар машҳур Хитой ипаги билан бемалол рақобат қилган. Самарқанднинг зар барқут газламалари туя карвонларига ортилиб, Олтин Ўрда, Москва, Вена, Рим каби шаҳарларгача етиб борган. Заргарлар ва мисгарлар нозик санъатининг самараси бўлмиш кўза-ю узук-балдоқлар, қуролсоз усталар ясаган кескир шамширлар, шиша ва сопол идишлар довруғи оламга таралган. Четга чиқарилган буюмлар орасида Самарқанд кулоллари ясаган буюмларни алоҳида қайд қилиш керак.

Хитойда Сўғдиёна (Самарқанд) гиламлари, жун газламалар, зеб-зийнат буюмлари, турли ҳунармандчилик буюмларига, айниқса унинг сифатли шиша идишларига талаб катта бўлган. Булардан ташқари, Хитойга безак буюмлари ва олмос, лаъл ва ёқуд каби қимматбаҳо тошлар ҳам олиб келинган.

Шундай қилиб Шарқ билан Ғарб халқлари ўртасидаги тарихий, маданий алоқалар ва савдо муносабатлари, Шарқ тараққиётида Буюк ипак йўли муҳим рол ўйнаган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда режаларингизни амалда қўллаш учун қулай вазият юзага келиш эҳтимоли мавжуд. Шундай экан, таваккал қилишдан чўчиманг.

СИГИР(22.04-20.05)

Айни пайтда содир бўлиш эҳтимоли бўлган воқеалар ҳаётингизда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Ҳафта давомида кўпгина кўнгилли воқеалар содир бўлиши, яқинларингиз даврасида мароқли ҳордиқ чиқаришингиз кутилмоқда.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Айни кунларда ечими изланаётган молиявий муаммоларингиз бирмунча зиддиятли асоратларни келтириб чиқариши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Сизни қийнаётган муаммолар шу кунларда ўз ечимини топиши кутилмоқда. Иш билан бир қаторда ҳордиқ чиқаришни ҳам унутманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда анчадан бери кўрмаган танишларингизни учратишингиз ёки янги танишлар орттиришингиз эҳтимоли мавжуд.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Дўстларингиз билан муроса қилишда айрим муаммолар юзага келиши мумкин. Бундай вазиятларда айбдорни изламасликка ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Айни кунларда хатти-ҳаракатларингизда эътиборлироқ бўлганингиз маъқул. Хатоингиз рақибларингизга қўл келиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Сиздаги қатъиятлилик ва интилувчанлик ҳисси айни кунлардаги юмушларингизнинг осонликча ҳал бўлишида асосий омил бўлиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда сизга турли таклифлар билдиришлари мумкин. Уларни қабул қилишда яқинлар билан маслаҳатлашганингиз маъқул.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ҳафта давомида яқинларингиз, оила аъзоларингиз муаммоларининг ечими билан шуғулланишингизга тўғри келиши мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)

Айни кунларда молиявий аҳволингиз яхшиланиши кутилмоқда. Шундай бўлса-да харидларингизни назорат қилганингиз маъқул.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Сирдарё вилоятидаги Бахт шаҳрида жойлашган «Баҳор» маҳалласида миллий ҳунармандчиликни қадрлайдиган инсонларни кўплаб учратиш мумкин. Рустам Ражабов ҳам қарийб 20 йилдирки бобомерос ҳунарлардан бири бўлмиш сандиқчилик билан шуғулланиб келади. Уста ясаган бежирим сандиқлар нафақат вилоятда, балки республикамизнинг барча ҳудудларида харидоргир.

Ҳунарманднинг айтишича, у келажакда миллий маҳсулотларимизни замонавий кўринишда халқимизга етказиб беришни режалаштирган.

Турфа олам

АКТЁР САҲНАДА ЎЗИНИ ЯРАЛАДИ

Венадаги машҳур "Бургтеатр" театрида Фридрих Шиллернинг «Мария Стюарт» асари асосида саҳнага қўйилаётган спектаклда жаноб Мортимер ролини ижро этаётган актёр ўзини ўзи томоғидан сўйиб қўйишига оз қолди.

Гап шундаки, Дэниэл Хэвелс пьеса бўйича ўз жонига қасд қилиши, бунда ёғочдан ишланган пичоқдан фойдаланиши керак эди, бироқ, буни қарангки, пичоқ ҳақиқий экан.

Жароҳат анча жиддий бўлишига қарамасдан Дэниэл Хэвелс яшаб қолди. Чунки пичоқнинг ўткир тиғи мўъжиза туфайлигина артерия қон томирини кесиб юбормаган. Шифокорларнинг айтишига қараганда, агар ҳаракат яна бироз кучли бўлганида томошабинлар нафақат жаноб Мортимернинг жасоратига, балки Дэниэл Хэвелснинг ўзини ўзи ўлдириши — ҳақиқий ўлимига ҳам шоҳид бўлишарди.

Полиция ходимлари воқеани синчиклаб текширишмоқда. Уларнинг айтишига кўра, актёр ёнида ҳақиқий пичоқнинг пайдо бўлиб қолиши жуда ажабланарли. Актёрнинг ўзи эса бу воқеа қандай содир этилганидан қатъи назар, саҳнадан кетмаслигини айтган.

Кейинги оқшом яна «Мария Стюарт» спектакли саҳнага қўйилди. Дэниэл Хэвелс яна жаноб Мортимер ролини ижро этди, фақат унинг томоғи боғланган эди.

ФИЛЛАР ЭРКИНЛИКДА КЎПРОҚ УМР КЎРАДИ

Африка ва Осиёнинг қўриқланадиган ҳудудларида яшайдиган ёввойи филлар Европа давлатларидаги ҳайвонот боғларида сақланадиган филлардан икки баравар кўп умр кўришаркан.

Олимлар "кўҳна қитъа" ҳайвонот боғларида 1960-2005 йиллар ичида сақланган 800 та филнинг ҳаётини ўрганиб чиқишди. Натижада бу филларнинг ўртача умр кўриши 17 йилни ташкил этгани аниқланди. Кениядаги "Амбосели" миллий боғида яшайдиган филлар эса тинчликда ўртача 56 йил умр кўришаркан.

Бунинг сабаблари филларнинг эркинликда кўпроқ жисмоний меҳнат билан шуғулланиши, юриши билан изоҳланмоқда. Шу боис эндиликда филларни ҳайвонот боғларига олиб кетиш масаласига жиддий қараш зарурлиги ўртага чиқди. Ёки ҳайвонот боғлари майдонлари кенгайтирилиши, филлар учун кенгроқ сайр қилиш имконияти яратилиши керак.

Муҳайё РУСТАМ қизи.

Тошкент вилояти Олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Ахбор Имомхўжаевга турмуш ўртоғи **Фарида ИМОМХЎЖАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДАВЛАТ РАҚАМ БЕЛГИЛАРИ ЯНГИ КЎРИНИШДА

***САВОЛ:** Ҳозир кўчаларда ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларида янги кўринишдаги давлат рақам белгиларини учратиш мумкин. Чиройли кўринишга эга бўлган мазкур белгиларнинг ҳудудий рақами ва афзалликлари ҳақида маълумот берсангиз.*

Ф.Эсонов,
Сурхондарё вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнидаги "Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2008 ва 2009 йилнинг биринчи чорагидан 2011 йилнинг 1 январигача ишлаб чиқарилган йилидан қатъий назар барча турдаги автомототранспорт воситалари учун миллий давлат рақам белгилари берилади. Бу транспорт эгаларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрий равишда, янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) автомототранспорт воситалари учун мажбурий тартибда амалга оширилади.

Автомототранспорт воситаларининг миллий давлат рақам белгилари халқаро талаб ва стандартларга мувофиқлаштирилган. Энди уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш электрон тизим орқали амалга оширилади. Яна бир муҳим жиҳати шуки, давлат рақам белгилари ёруғликни акс эттирувчи қопламага эга. У чидамли ва коррозияга қарши метал қотишмасидан ҳамда қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминловчи махсус технологияга мувофиқ тайёрланган.

Давлат рақам белгиларини олиш учун транспорт воситалари эгаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг бир ярим баробари миқдорда, қайд этиш гувоҳномасини олиш учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида давлат божи ундирилади.

Автомототранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларининг ҳудудий кодлари:

Ҳудудлар	Код рақамлари
Тошкент шаҳри	01—09
Тошкент вилояти	10—19
Сирдарё вилояти	20—24
Жиззах вилояти	25—29
Самарқанд вилояти	30—39
Фарғона вилояти	40—49
Наманган вилояти	50—59
Андижон вилояти	60—69
Қашқадарё вилояти	70—74
Сурхондарё вилояти	75—79
Бухоро вилояти	80—84
Навоий вилояти	85—89
Хоразм вилояти	90—94
Қорақалпоғистон Республикаси	95—99

Мансуржон РИХСИЕВ,
Республика ИИВ ЙҲҲББ катта инспектори, подполковник.

Маҳалламиз кишилари

Тошкент вилояти

Матонати метин ОДАМЛАР

Жисмоний ожизлик унинг меҳнатга бўган иштиёқини сўндиролмади

Акром ака навқирон йигитлик пайтида рўй берган ўша маъшум воқеани эслашни истамайди, аммо унутаолмайди ҳам.

...Кўклам анча кечикиб, серёғин келди. Кечаси билан шивалаб ёққан ёмғир тонга яқин тинди. Энди ишга отланаётган Акромга бригадир ер текислаш учун мола ва тиркамаларни дала бошига олиб боришни тайинлади. Фалокат оёқ остида, деб бекорга айтишмаган экан. Акром уч ғилдиракли тракторида судраб кетаётган 5 метрли мола кутилмаганда йўл четидаги тўнкага илиниб қолди.

Ғилдираклар кўлмак сувда бир-икки айланди-ю трактор ағдарилиб кетди. Акром бир мунча муддат трактор остида қолди, радиатордан тукилган қайноқ сувда эса унинг кўл-оёқларини куйдирди...

Халокат тўғрисида ҳабар топиб, қишлоқдан етиб келган одамлар уни беҳуш ҳолда шифохонага олиб боришди. Биринчи операцияни у сезмади. Чап қўли, бармоқлари қаттиқ эзилган, радиатордан оққан қайноқ сувда куйганди. Тўртинчи куни ўзига келди.

Бир ойдан сўнг қўлини яна операция қилишди. Жаррохлар унинг куйган, жонсиз бармоқларини панжаси аралаш кесишдан бошқа чора топа олишмади. Акром чап қўлини ҳаракатлантира олларди-ю, аммо куйган тери тиришиб қолган, ҳаракатга монелик қиларди. Орадан тўрт ой ўтиб ёш йигит яна жарроҳларнинг тиғига рўбарў бўлди. Операция столида йигитнинг сон терисидан кесиб олиб, қўлининг куйган жойларини "ямашди".

Ярим йилдан сўнг Акром шифохонадан уйига қайтди. Чигит экишдан кейинга белгиланган тўй халокат туфайли қолдирилганди. Тезда тўй бўлди — Акром қишлоқдош қизи Манзурага уйланди.

Акромни ногиронлик нафақасига чиқаришди, енгилроқ иш билан таъминлашди. Бир йил мобайнида почтальонлик қилди. Қалби эса яна трактор бошқаришни қўмсарди. Ахир трактор ҳайдашни ёшлигидан техникага меҳр қўйгани боис ўрганган эди-да. Йигит ўйлаб-ўйлаб ўз истаги ҳақида устози, участка механиги Омон акага "ёрилди".

— Сени яхши тушуниб турибман, — деди Омон ака, — техникани қўмсаяпсан. Лекин бунинг сира иложи йўқ, тўғриси, мумкин эмас. Хафа бўлма, ука...

Бир неча кундан сўнг Акром яна Омон акага учради.

— Ҳеч бўлмаса, моторни ўт олдириб, қўлимга ключ ушласам эди. Нахотки, менга муносиброқ бир иш топилмаса?..

Эрта баҳор далада чигит экилаяпти. Тракторчининг тажрибасизлиги ёки нўноқлигиданми, трактор ортидан тўлқинсимон из қолмоқда. Бригада бошлиғи, механик экишни тўхтатиб трактор ва сеялка муруватларини неча бор созлашди. Барча ҳаракатлар натижасиз бўлди.

— Мен бир уриниб кўрайми? — деди ялингансимон оҳангда Акром бригада бошлиғига.

— Э, қўйсанг-чи! Ахир, икки қўллаб эплай олмаяпти-ку. Техника носоз, вассалом, — бригадир шундай дея механик Омон акага қаради.

Омон ака эса Акромга "Қани сен ҳайда-чи", дегандек бош ирғади. Акром чаққонлик билан трактор ролига ўтирди. Тракторни бошқара бошлагач, муаммо барҳам топди.

Шу воқеадан сўнг Акромга ишлов тракторини беришди. Дарвоқе, шифокорлар унга трактор бошқаришни, умуман ёқилғи мойлаш материаллари бор жойда ишлашни тақиқлашган эди. Аҳди маҳкам, шижоатли йигит эса трактор ҳайдашни қўймади.

Шифокорлар бежизга қайғуришмаган экан — Акромнинг бир вақтлар операция қилинган қўлида оғриқ пайдо бўлди. Тиббий текширувда аён бўлдики, шикаст қўлда яра пайдо бўлибди. Яна икки марта жарроҳлик амалиёти ўтказишга тўғри келди. Йигирма йил ғўза қатор ораларига ишлов берди.

Бугунги кунда ўнлаб невара-ю чеваларининг севимли бувижонисига айланган Манзурахон аяга ҳазил аралаш савол бераман:

— Қўли ногирон бўлса ҳам Акром акага турмушга чиқаверганмисиз?

— Ўша воқеа туфайли тўйимиз бироз кечикди, холос. Ногирон бўлиб қолгани туфайли тўйни тўхтатиш ҳаёлимга келмаган. Сиз айтаётган қийинчиликларга келсак, турмуш ўртоғим қийинчиликларга рўбарў бўлишимга сира йўл қўймаган, — жилмаяди Манзурахон ая.

Бу нуроний аёл табассуми остида ўзига яраша азоб уқубатлар яширин эканидан мени Акром аканинг ўзи боҳабар этди.

— Мен ҳар гал операция столида ҳаёт билан курашиб ётганимда Манзура шифохона эшиги олдида тунни кунга улаб бедор турарди. У ҳам мендан кам азоб тортмаган. Унинг сочидаги ҳар бир оқ тола мен ва менинг дардим туфайли...

Акром ака билан узоқ суҳбатлашдик. Ховлида невараларининг шовқини тинмасди. Биз ҳам ховлига чиқдик, Акром ака неваралар қуршовида қолди. Айтганча, Акром ака Манзура ая билан 9 нафар ўғил-қиз тарбиялаб, вояга етказишди. 40 нафар невара, 9 та чевараси бор бугун уларнинг. Ҳикоямиз қаҳрамони Акром ака Сайидалиевнинг оиласи Ўрта Чирчиқ тумани "Паҳтакор" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Бешбой" маҳалласида яшайди. Маҳалладошлар Акром ака ва Манзурахон аяни намунали, пиру бадавлат оилабошилар сифатида билишади ва ҳурмат қилишади.

Жанбул ҚУРБОНБЕКОВ
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93
236-53-75, 236-57-62
Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.
Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Ўктам Худойкулов
Мусаҳҳих: Ҳамза Абдуллаев
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

18547 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-21
2 3 4 5 6
Топширилди — 00.50